

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

273 Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида» 2012 йил 27 февралдаги ПҚ–1717-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Республика «Маҳалла» Фондининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат кенгашини (кейинги ўринларда Жамоат кенгаши деб аталади) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларини (кейинги ўринларда ҳудудий жамоат кенгашлари деб аталади) тузиш тўғрисидаги таклифлари;

Жамоат кенгашининг таркиби 1-иловага*, шунингдек ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Жамоат кенгашининг қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин:

оила, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) ва маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришга доир услубий асосларни яратишни ташкил этиш;

ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

* 1-илова берилмайди.

таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

қонунчилик талабларидан келиб чиқиб таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳақида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг узвий маълумотга эга бўлишларини таъминлаш;

ўқувчи-ёшларнинг зарарли одатлар йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларга қарши манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш;

таълим-тарбия жараёнини ҳамда ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда тегишли давлат органларига киритиш;

ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хуна́р таълими маркази ва Республика «Маҳалла» Фонди:

бир ой муддатда Жамоат кенгашининг низомини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий низомини ҳамда таркибини тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хуна́р таълими маркази, Республика «Маҳалла» Фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишга қўмақлашсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хуна́р таълими маркази, Республика «Маҳалла» Фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тегишли вазирликлар ва идоралар «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ўз тизимларида мониторинг ўрнатсинлар, уларнинг ижросини ярим йил ва йил яқунлари бўйича мажлисларда муҳокама қилиб борсинлар.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 19 июнь,
175-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 июндаги 175-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари
хузуридаги «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги
ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий
ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиғи, ҳудудий Жамоат кенгаши раиси
2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, ҳудудий Жамоат кенгаши ҳамраиси
3. «Маҳалла» хайрия жамоат Фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси
4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари
6. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари
7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий телерадиокомпанияси директори
8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
9. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши раиси
10. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳудудий бўлими раҳбари
11. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
12. Жамоатчилик вакиллари

13. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, Кенгаш котиби

Изох: ҳудудий Жамоат кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 июндаги 175-сон қарорига
3-ИЛОВА

273-модда

**«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини
кучайтириш бўйича чора-тадбирлар
МАЖМУАСИ**

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
I. Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган методологик асосларни яратиш				
1.	Ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир услубий қўлланма ва тавсияларни тайёрлаш, жойларга етказиш.	«Оила» илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий- амалий маркази, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ), «Келажак овози» ЁТМ, «Камолот» ЁИХ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	1. Услубий қўлланма ва тавсиялар лойиҳасини тайёрлаш. 2. Тайёрланган лойиҳаларни ўрнатилган тартибда келишувдан ўтказиш. 3. Чоп этиш ва жойларга тақсимот асосида етказиш.	2012 йил 20 июль 2012 йил 1 август 2012 йил 30 август
2.	Умумий ўрта таълим мактаблари 1 — 4-синфларида «Бола тарбияси — келажак меваси», 5 — 7-синфларида «Илм ол — ҳунар ўрган!», 8-9-синфларида ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари 1-босқичларида «Танлаган касбинг — сенинг келажагинг!» ҳамда 2-3-босқичларида «Етук мутахассис — келажак меваси!» мавзуларида «Оталар мажлиси»ни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Халқ таълими вазирлиги (ХТВ), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (ЎМКХТМ), «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ манфаатдор вазирликлар ва идоралар	1. Танланган мавзулар бўйича «Оталар мажлиси»ни ўтказиш тартиби лойиҳаларини тайёрлаш. 2. Ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва ижрога йўналтириш.	2012 йил 1 август 2012 йил сентябрь
3.	Ёшларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, педагоглар, психологлар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни ўз ичига олган буклет, маълумотнома ва тарқатма материаллар ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш.	ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Давлат бошқаруви академияси (ДБА), РБИММ, «Келажак овози» ЁТМ, «Оила» илмий-амалий маркази	Ҳуқуқий билимларни оширишга доир буклет, маълумотнома ва тарқатма материалларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш.	2012 йил 30 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

— 8 —

25 (525) -сон

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
4.	Қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, саломатлик масалалари ва балоғат даври ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар асосида «Ораста қиз ён дафт-тарчаси» номли қўлланмани ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	«Оила» илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ), «Соғлом авлод учун» халқаро Фонди, «Камолот» ЁИХ, Адлия вазирлиги, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ	1. «Ораста қиз ён дафттарчаси» номли қўл-ланма лойиҳасини тайёрлаш. 2. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, чоп этиб жойларга етказиш.	2012 йил 20 август 2012 йил сентябрдан бошлаб
II. «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» Жамоат кенгашларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш				
5.	«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкор-лиги Жамоат кенгашларини тузиш.	ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, ИИВ, ССВ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Келажак овози» ЁТМ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат кенгашини тузиш. 2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларини тузиш.	2012 йил июль
6.	Жамоат кенгаши, ота-оналар томонидан таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада тако-миллаштиришга доир тадбирларни амалга оширишдаги фаоллигини ошириш.	«Маҳалла» Фонди, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Оила» илмий-амалий маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	1. Таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини тубдан ўрганиш. 2. Ўрганиш натижаларига кўра таълим муас-сасаларидан таклифлар олиш ва ишларни такомиллаштириш чораларини кўриш. 3. Ота-оналарнинг таълим-тарбия сифатини оширишга доир тадбирларни амалга оши-ришда фаол қатнашишини таъминлаш.	2012 йил 30 август 2012 йил сентябрь мунтазам равишда
7.	Таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, ўқув-чилар давоматини яхшилаш билан боғлиқ масалаларда Жамоат кенгаши ва маҳалла-нинг ўрнини кучайтириш.	ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, ИИВ, «Маҳалла» Фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ЁИХ	1. Таълим муассасалари раҳбарлари, Жамоат кенгаши, маҳалла ва ота-оналар ҳамкор-лигида таълим-тарбия жараёни самарадор-лигини ошириш йўллари ва ўқувчиларнинг дарсга қатнаш давоматини узвий таҳлил қилиб бориш. 2. Дарс қолдирган, ўқишга қатнамайдиган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан ту-шунтириш ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш.	2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
8.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти самарадорлигини янада ошириш.	«Маҳалла» Фонди, «Камолот» ЁИХ, ОЎМТВ, ХТВ, ЎМКХТМ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш, вазифаларини аниқ белгилаш ва самарадорлигини янада ошириш. 2. Ташаббускор ёшларни таълим-тарбия масалаларини ўрганишга жалб қилиш ва ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиш.	2012 йил 20 июндан мунтазам равишда ҳар чоракда
9.	Таълим тизимидаги ютуқлар ва ислохотлар ҳақида ота-оналарнинг кенг маълумотга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида «Ота-оналар университети» фаолиятини кучайтириш.	ХТВ, ЎМКХТМ, «Маҳалла» Фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ЁИХ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. «Ота-оналар университети» фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини белгилаш. 2. «Ота-оналар университети» фаолиятига оид ҳисоботларни эшитишни йўлга қўйиш.	2012 йил 20 август 2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда
10.	Таълим муассасалари ва маҳаллаларда «Оила — муқаддас тушунча», «Оилавий анъаналар», «Маҳалла ва оила маънавиятининг мустаҳкамлиги», «Ота ва она — оила таянчи», «Оилада шарқона садоқат» мавзуларида суҳбатлар ва савол-жавоб кечаларини ташкил этиш.	«Маҳалла» Фонди, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, РБИММ, «Келажак овози» ЁТМ, «Камолот» ЁИХ, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Оила» илмий-амалий маркази	1. Соҳа мутахассислари, малакали профессор-ўқитувчилар, олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари ҳамда намунали оилалар вакиллари билан иборат тарғибот гуруҳларини шакллантириш. 2. Тарғибот гуруҳлари учун ўқув семинари ташкил қилиш. Уларни зарур қўлланма ва маъруза матнлари билан таъминлаш. 3. Тарғибот гуруҳлари аъзоларини ҳудудлар бўйича тақсимлаш ва тарғибот ишларини ташкил этиш. 4. Тадбирларни ОАВларда кенг ёритиш.	2012 йил 30 июнь 2012 йил 30 июль 2012 йил август мунтазам равишда
III. Ўқувчи-ёшлар ўртасида гайриижтимоий ҳаракатларнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш				
11.	Маҳаллаларда ноқобил, нотинч оилаларда тарбияланаётган болаларнинг таълим-тарбияси ҳамда уларга ҳар томонлама ижтимоий кўмаклашиш кўламини кенгайтириш.	«Маҳалла» Фонди, ХТВ, ЎМКХТМ, ИИБ, Хотин-қизлар кўмитаси, РБИММ, «Камолот» ЁИХ, «Оила» илмий-амалий маркази	1. Маҳаллаларда фаол, эл орасида ҳурмат қозонган зиёли инсонларни ҳамда тегишли идоралар вакиллари билан жалб қилган ҳолда оилаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш. 2. Муаммоларнинг ечимини топишда кўмаклашиш ҳамда нотинч оила фарзандларини ўқув жараёнига тўлиқ жалб этиш чораларини кўриш.	2012 йил 30 август мунтазам равишда

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
12.	Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни қизиқишлари бўйича касб-хунарга йўналтириш.	ХТВ, ЎМКХТМ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, РБИММ, «Келажак овози» ЁТМ, «Камолот» ЁИХ, ССВ, Давлат солиқ қўмитаси, ИИВ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Маҳаллалар ва таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар учун ташкил этилган фан тўғарақлари, спорт секциялари фаолиятини ўрганиш, тармоғини кенгайтириш орқали оммавийликни таъминлаш. 2. Ўқувчи-ёшларни, айниқса қизларни ҳудуддаги уста-хунармандларга бириктириш, ва уларни касб-хунарга ўргатиш ишларини такомиллаштириш. 3. Ўқувчи-ёшлар томонидан тўғарақларда тайёрланган маҳсулотларнинг кўرғазма савдосини ташкил этиш, шу орқали уларда тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш. 4. Тўғарақларда эгалланган билим ва кўникмалар асосида уларни касб-хунар таълими муассасаларига жалб этиш тизимини мустақамлаш.	2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда
13.	Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ноижтимоий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш.	ХТВ, ЎМКХТМ, ИИВ, Адлия вазирлиги, РБИММ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва гиёҳвандликни олдини олиш борасида профилактик суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда ижрога йўналтириш. 2. Профилактик тадбирларга Жамоат кенгаши, тегишли идоралар вакиллари, ота-оналарни жалб этиш. 3. Тадбирларнинг натижавийлигини таъминлаш бўйича мониторинг юритиш.	2012 йил 20 август 2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда
14.	Дарс вақтида мактабга бормасдан бемақсад юрган, масжидларга қатнаётган, бозорларда турли юмушлар ҳамда жамоат транспортларида чипта сотиш билан шуғулланаётган ўқувчиларни аниқлаш ва уларни ўқишга қайтариш мақсадида «Ўқувчи» рейдларини ўтказиш.	ХТВ, ЎМКХТМ, ИИВ, «Маҳалла» Фонди, «Камолот» ЁИХ, Хотин-қизлар қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Вазирлик ва идоралар вакилларида иборат Ишчи гуруҳини тузиш. 2. Рейд ўтказиладиган манзилларни аниқлаш ва Ишчи гуруҳга қўшимча жамоатчилик вакилларини жалб этиш. 3. Рейдда аниқланиб рўйхатга олинган ўқувчи-ёшларни таълимга қайтариш чораларини кўриш, доимий мониторинг юритиш.	2012 йил сентябрь мунтазам равишда режа асосида

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
15.	Ўқувчи-ёшларнинг дарс ва тунги вақтларда «Интернет-кафе»лар ва «Компьютер клублари»да бўлиши, маънавий-ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи сайтларга кириши ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда рейдлар ташкил этиш.	ЎЗААА, «Маҳалла» Фонди, ХТВ, ЎМКХТМ, ИИБ, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ишчи гуруҳини тузиш. 2. Рейд ўтказиладиган манзилларни ҳамда дарс вақтида мактабга бормасдан «Интернет — кафе» ва «Компьютер клублари»да бемақсад юрган ўқувчиларни аниқлаш, уларни ўқишга қайтариш чораларини кўриш. 3. Рейд вақтида аниқланган салбий ҳолатлар бўйича уларнинг раҳбарларига нисбатан қонунда белгиланган тартибда кескин чоралар кўриш.	2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда рейд куни
16.	Эрта турмуш қуриш ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, уларни инсон соғлиғига зарарлари, ҳуқуқий жавобгарликлари мавзуларида маҳаллаларда ота-оналар ўртасида мутахассислар иштирокида тушунтириш ишларини амалга ошириш.	Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» Фонди, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон мусулмонлар идораси	1. Эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган учрашув, суҳбат ва тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик жадвалини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 2. Вояга етмаган қизлар ўртасида аниқланган ҳомиладорлик ҳолатлари юзасидан қизлар ва ота-оналар иштирокида яқка тартибда тушунтириш ишларини амалга ошириш.	2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда
17.	Ўқувчи-ёшлар орасида турли миллий менталитетимизга зид бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ҳамда профилактик назоратда турувчи ўқувчиларни тарбиялашда ота-оналар, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот идоралари давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш.	«Маҳалла» Фонди, ИИБ, ХТВ, ЎМКХТМ, Хотин-қизлар кўмитаси, РБИММ, «Камолот» ЁИХ Адлия вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Турли миллий менталитетимизга зид бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш. 2. Ички ишлар профилактик ҳисобига ва таълим муассасаларининг ички назоратига олинган ўқувчи-ёшлар билан яқка ёки оммавий тарзда мақсадли ишларни олиб бориш. 3. Ички ишлар профилактик назоратига ва таълим муассасаларининг ички назоратига олинган ўқувчи-ёшларни тўғарақларга жалб этиш, уларга масъулларни бириктириш. 4. Таълим-тарбия жараёнида ижобий ўзгаришларга эришган ўқувчи-ёшларни рўйхатдан чиқариш. 5. Фарзандлар тарбиясига эътиборсиз ота-оналарга нисбатан қонунда белгиланган тартибда интизомий чоралар қўллаш.	2012 йил 1 июлдан бошлаб мунтазам равишда

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
18.	Ўқувчи-ёшларнинг зарарли одаглар йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларга қарши манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш.	ХТВ, ЎМКХТМ, ОЎМТВ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, РБИММ, «Камолот» ЁИХ	1. Таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоғоли ва тамаки маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш бўйича Жамоатчилик кенгаши назоратини кучайтириш. 2. Ўқувчи-ёшлар, педагог-ҳодимлар ва ота-оналар ўртасида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг зарари ҳақидаги тушунчалари ва уларга муносабатини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказиш. 3. Ўқувчилар ўртасида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг зарари, улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оғир асоратлари тўғрисида мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш.	2012 йил 1 июндан бошлаб 2012 йил сентябрь Мунтазам равишда жадвал асосида
IV. Баркамол авлодни тарбиялашга доир маънавий-маърифий тадбирларни самарадорлигини ошириш ва уларни мазмунан янада такомиллаштириш				
19.	«Бир болага етти қўшни ота-она» маънавий-маърифий тадбирларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш.	«Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази «Камолот» ЁИХ, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ	1. Жамоат кенгаши иштирокида таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнига оид масалаларни муҳокама этишни йўлга қўйиш. 2. Маҳаллаларда жамоатчилик асосида «Ота-оналар университети»ни ташкил этиш. 3. Ёшларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тўлиқ тайёрлаш, уларда ҳаётга масъулият ҳиссини уйғотиш юзасидан ибратли оилалар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш.	2012 йил мунтазам равишда алоҳида режа асосида мунтазам равишда
20.	Ёш авлодга халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган қадриятларини, эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш.	Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ	1. Соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари билан иборат Тарғибот гуруҳини шакллантириш. 2. Миллий қадрият ва анъаналаримизни, ибратли урф-одагларимизни тарғиб этишга доир мавзуларда учрашув, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этиш.	2012 йил сентябрдан бошлаб режага мувофиқ

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
21.	«Ёшлар маънавий олами бийитишда адабиёт ва санъатнинг ўрни» мавзунда туркум маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» Фонди, ЎзФА Тил ва адабиёт институти, «Қамолот» ЁИХ, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ	1. Ёзувчи, шоир, олим, санъаткор ва ёш қаламкашлардан иборат Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ўқувчи-ёшларнинг китобхонликка бўлган қизиқишларини орттириш, кутубхоналарнинг китоб фондини бийитиш мақсадида «Мақтаб-маҳалла, оила-жамоатчилик» ҳамкорлигида китоблар қўрғазмасини ўтказиш. 3. «Биринчи китобим» йўналишида ёш қаламкашларнинг китоблари тақдимотини ташкил этиш.	2012 йил сентябрь мунтазам равишда режага мувофиқ
22.	Ўқувчи-ёшларни гоъвий таҳдид ва паст савияли «оммавий маданият» ва бошқа турдаги ёт гоъларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган маърифий тадбирлар ташкил этиш.	Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоъ ва мафкура илмий-амалий маркази, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, ССВ, «Қамолот» ЁИХ, Хотин-қизлар, «Маҳалла» Фонди	1. Соҳа мутахассислари томонидан маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида «Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари», «Дин ва маънавият», Хурофотга қарши курашда аёлларнинг ўрни» мавзуларида суҳбатлар, мулоқотлар ташкил этиш. 2. Таълим муассасаларида «Ёшларни гоъвий таҳдидлар ва паст савияли «оммавий маданият»нинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган семинарлар, савол ва жавоблар, ижодий кеча, давра суҳбатларини ташкил этиш.	2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда режага мувофиқ
23.	«Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзунда маданий тадбирлар ташкил этиш.	Байналмилал маданият маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирилиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, МТРҚ, «Маҳалла» Фонди, «Қамолот» ЁИХ	Республикаимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари иштирокида жойларда дўстлик фестиваллари, маънавий-маърифий учрашувлар, турли тилдаги шеърхонлик кечаларини ташкил этиш.	2012 йил июндан бошлаб мунтазам равишда режа асосида
24.	Барқамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш.	МТРҚ, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ЁИХ, ҚР Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Амалга оширилаётган ишларни телевидение, радио ва матбуот орқали кенг ёритиш. 2. Манфаатдор вазириликлар ва идораларнинг ўз тармоқ газета ва журналларида ва махсус веб-сайтлари орқали ёритиш. 3. Ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар доирасида намунавий ва илғор иш тажрибаларни оммалаштириш ва уларнинг мониторингини юритиш.	2012 йил июндан бошлаб мунтазам равишда

Т/р	Тадбирлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
25.	«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси бажарилиши бўйича ахборот тайёрлаш ва кейинги йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	ХТВ, ОЎМТВ, ЎМКХТМ, ИИВ, ССВ, «Маҳалла» Фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Келажак овози» ЁТМ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Амалга оширилган чора-тадбирларни самарадорлигини ўрганиш, танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларни келгусида янада самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. 2. 2013 йилга мўлжалланган «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2013 йил 25 январга қадар 2013 йил 1 февралга қадар

Изоҳ: белгиланган тадбирлар ижроси билан боғлиқ харажатлар масъул ижрочи ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.